БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 51 (798)
12 МАРТ СЕШАНБА 1957 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ КЎКЛАМГИ ЭКИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ҚИСҚА МУДДАТДА ЎТКАЗИШГА, ЧИГИТ ЭКИШ УЧУН АЖРАТИЛГАН ЕРЛАРДАН ТЎЛА ФОЙДАЛАНИШГА, ЧИГИТНИ БИР ТЕКИС УНДИРИБ ОЛИШ ВА ҒЎЗАНИНГ ЗАРУР ДАРАЖАДА ҚАЛИН БЎЛИШИГА КАТТА АҲАМИЯТ БЕРИБ, ҲАМДА БУ ТАДБИРЛАР 3 МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА ТОПШИРИШ ЮЗАСИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШДА ЭНГ МУҲИМ ФАКТОР ЭКАНЛИГИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, БАРЧА КОЛХОЗЧИЛАР, СОВХОЗ ВА МТС ИШЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАНИ АВЖ ОЛДИРИБ ЮБОРИШГА ЧАҚИРАДИЛАР.

(Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қароридан).

КЎКЛАМГИ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРАМИЗ!

# ЭКИШГА ҲАММА НАРСА ТАХТ ҚИЛИНСИН!

## Чигит экишни сифатли ўтказиш учун барча тадбирларни ўз вақтида амалга оширайлик

Газетамизнинг ўтган кунги сонида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1957 йилги экишни сифатли ўтказиш, тўла гектар ва ғўзанинг зарур қалинликда бўлишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. 1957 йил мўл ҳосили учун курашда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу қарорда ўтган йили чигит экиш даврида йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликлар чуқур таҳлил қилинган ҳамда барча колхоз ва совхозларда экишни сифатли ўтказиш, гектарнинг тўлалигини ва ғўзанинг зарур қалинликда бўлишини таъминлаш юзасидан бу йил амалга ошириш зарур бўлган муҳим тадбирлар бирма-бир кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ўз қарорларида чигит экиш сифатини бузганликлари ва экиш муддатига риоя қилмаганликлари, гектарларнинг тўлалигини ва ғўзанинг зарур даражада қалин бўлишини таъминламаганликлари учун ўтган йили бир қанча далачилик бригадалари, колхоз ва совхозлар пахтадан кам ҳосил олиб, давлат пахта тайёрлаш планини бажармаганликларини қайд қилиб кўрсатадилар. Буни бизнинг Тошкент области мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Ўтган қишлоқ хўжалик йилида областимизда 535 бригада, 68 колхоз ва 9 совхоз пахта тайёрлаш планини бажармадилар. 70 колхоз ҳар гектар ердан 20 центнердан кам ҳосил олди, шу жумладан 13 колхознинг олган ҳосили 15 центнерга ҳам етмади. Булганин номли, «Дружба», «Фарҳод», «Кўкорол», Бушуев номли совхозлар пахтадан жуда кам ҳосил олдилар.

1956 йилда колхоз ва совхозларимизнинг кўпчилиги ҳамма ерда гектарнинг тўлалиги учун курашмадилар, ҳар бир гектар ерда керакли миқдорда кўчат бўлишига эришилмади, кўпгина кўчат культивация, кетмон чопиғи ва суғориш вақтида нобуд бўлди. Гектарларнинг тўла бўлмаслиги орқасида областимизда ўтган йили 6 минг гектардан кўпроқ ерга чигит экилмай қолди.

**«Яхши, соғлам чигитни ўз вақтида ва сифатли қилиб экиш,** — дейилади Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарорида, — **уни тезда ва бир текис ундириб олиш — пахтадан юқори ҳосил етиштиришнинг ҳал қилувчи шартидир. Бироқ, кўпгина колхозлар тайёргарликни кечиктириб юбориш орқасида экишни жуда чўзиб юборадилар, экишни сифатсиз ўтказадилар, бу эса ўсимликнинг кеч ривожланишига, сийрак бўлишига ва қайта экишга олиб келади. Натижада ҳосил кам бўлмоқда.**

**Шу нарса ёмонки, бу йил республиканинг бир қанча колхозлари, совхозлари ва МТСлари ана шу қўпол хатони такрорламоқдалар ва шу вақтгача техникани, от-уловни ва бошқа материал-техника воситаларини кўкламги экишга тайёрлашни тамомламадилар».**

Қарорда кўрсатилган бу камчиликлар бизнинг областга ҳам бутунлай тааллуқлидир. Яқинда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалик илғорларининг область кенгаши айрим колхоз, совхоз, МТС ва районларнинг ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун кўклам экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўраётганликларини қайд қилиш билан бирга, бу соҳадаги жиддий нуқсонларни ҳам очиб ташлади.

Мўл ҳосил учун курашда масъулиятли давр — чигит ва бошқа экинларни экиш даври яқинлашиб келаётганлигига қарамасдан область колхоз ва совхозларида экиш кампаниясига тайёргарлик қониқарсиз бормоқда. 5 мартгача бўлган маълумотларга қараганда пахта ва бошқа экин майдонларидан ҳали 80 минг гектари, шу жумладан пахта майдонларидан 32 минг гектари ҳайдалмаган. Чиноз, Бекобод, Октябрь, Бўка, Янгийўл районларидаги колхозлар бу муҳим тадбирни амалга оширишда айниқса орқада қолмоқдалар. Чопиқ ва ҳайдов тракторлари, сеялка ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш, экиш кампаниясига тайёрлаш ҳали кўп жойларда тугалланмаган. Машиналар сифатсиз ремонт қилинаётганлигидан Бекобод районидаги 2-МТСда, Қорасув МТСида ва бошқа баъзи МТСларда тракторлар қайтадан ремонт қилинмоқда.

Квадрат-уялаб экиладиган далаларни ажратиш ва уларни ўлчов симлари ёрдами билан режалаш ишлари ҳам секин бораётир. Экиш агрегатларида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, ирригация-мелиорация шохобчаларини тозалаш ниҳоятда кечиктириб юборилди. Бекобод, Бўка, Пискент, Боёвут, Бўстонлиқ ва Тошкент қишлоқ районларидаги колхозларда маҳаллий ўғитларни тўплаш ва далага чиқариб тўкиш талабга мутлақо жавоб бермайди.

Совхозларда кўкламга тайёргарлик ишларининг сустлиги жиддий хавф туғдирмоқда. Область совхозларидаги экин майдонларининг атиги 63 проценти ҳайдалган, ҳайдов ва чопиқ тракторлари, сеялкалар, культиваторлар, бороналар мавсумга тайёр эмас. Зарур бўлган маҳаллий ўғитларнинг ярмидан сал кўпрогигина далаларга чиқариб тўкилган, ирригация-мелиорация шохобчаларининг фақат ярмисидан камроғи тозаланган. Булганин номли (директори ўртоқ Юсупов), «Дружба» (директори ўртоқ Нуритдинов) ва «Фарҳод» (директори ўртоқ Полвонов) совхозлари ўтган йили пахтадан жуда кам ҳосил олганликларига қарамай бу йил ҳам чигит ва бошқа экинларни экишга жуда ёмон тайёргарлик кўрмоқдалар.

Тошкент область қишлоқ хўжалик илғорларининг кенгаши барча имкониятларни ҳисобга олиб бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб бериш учун курашга қарор қилди. Бу — ғоят катта ва масъулиятли вазифадир. Маҳаллий партия, совет ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТС раҳбарлари ана шу катта ва шарафли вазифанинг уддасидан чиқиш учун ҳозирдан бошлаб бутун куч ва воситаларни тўла ишга солишлари, хотиржамлик ва беларволик кайфиятларига кескин зарба бериб, бутун ишни Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қарори асосида ташкил этишлари керак. Вақт эрта деб, ҳамма ишни орқага судраётган, ўтган йилги ютуқлар билан маҳлиё бўлиб, ҳали ҳам тантанабозликдан, тўй-томошалардан бўшамаётган, масъулиятни йўқотиб кўкламги экишга тайёрланишни пайсалга солаётган бепарво раҳбарларни қаттиқ жазолаш керак.

Кўклам кирди, чигит экадиган кунлар яқин. Чигит экишни белгиланган муддатларда сифатли ўтказиш учун шу кунлардан бошлаб астойдил ишга киришиш, ҳар бир кулай кундан унумли фойдаланиб, экиш ишлари билан боғлиқ бўлган ҳамма тадбирларни ўз вақтида амалга ошириш керак. Трактор паркини, от-улов ва бошқа материал-техника воситаларини тайёрлашни барча колхоз, совхоз ва МТСларда яқин кунлар ичида тамомлаш лозим. Кузда шудгор қилинмаган ерларни отвалсиз плуг билан чуқур қилиб ҳайдаш, ариқ-зовурларни тозалаш, далага ўғит чиқариш, ерни чигит экишга тайёрлаш ва суғориладиган ерларни текислаш ишларини дарҳол қизитиб юбориш керак. Бунда ҳамма ишларни сифатли ўтказишга, ерда намни сақлаб қолишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Кўкламги экишга тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтириб юборайлик, чигит экишни белгиланган муддатларда, юқори сифатли ўтказиш учун барча тадбирларни ўз вақтида амалга оширайлик!



Суратда: Октябрь районидаги Сталин номли колхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ У. Хожиев колхознинг 7-бригадасида Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1957 йилги экишни сифатли ўтказиш, тўла гектар ва ғўзанинг зарур қалинликда бўлишини таъминлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорини ўқиб бермоқда.

В. Салов фотоси.

## Сирдарёдаги МТСларда

Сирдарё районидаги 2-МТС коллективи трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини тез кун ичида тугаллаш, кўклам экиш кампаниясини ҳар тарафлама шайланган ҳолда кутиб олиш учун курашмоқда. МТСда барча ремонт ишлари поток методи асосида олиб борилялти. МТС устахонаси реконструкция қилиниб, рельс ётқизилганлиги, иш жойлари мосламалар ва керакли асбоб-ускуналар билан таъминланганлиги туфайли поток усули жуда яхши натижалар бермоқда.

МТСда механизаторларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитлар яратиб берилган, иш ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил этилган. Механизаторлар кўклам чигит экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун ремонт ишларининг сифатли бўлишига алоҳида аҳамият бераётирлар. Ҳозиргача МТСдаги мавжуд 60 «универсал», 44 та ДТ-54 ва 80 та С-80 тракторлари ва СКГХ-4, СКГХ-4-6 маркали сеялкалар ремонтдан чиқарилиб, мавсумга тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, 28 та ДТ-24-3 трактори ва унга тиркаб ишлатиладиган СКГХ-6-а маркали янги сеялкалар ҳам техника кўригидан ўтказилиб, чигит экишга тайёр қилиб қўйилди.

МТСдаги илғор трактор бригадаларнинг аъзолари ўз агрегатлари ремонтини тугаллаб, бошқа бригада механизаторлари ишига ёрдам бермоқдалар. Сон Харитон, Қудрат Содиқов, Турғун Бастамов ва Илья Бухаров каби ўртоқлар бошлиқ трактор бригадалари ана шулар жумласидандир.

Кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш кўп жиҳатдан МТСдаги тиркама ва осма машиналар ремонтини тўғри ва сифатли ўтказишга ҳам боғлиқ. Шунинг учун ҳам МТС да «зиг-заг» бороналарни ва улар билан ишлатиладиган механизмларни ремонт қилиш ишлари тажрибали механизаторлар раҳбарлигида ўтказилаётир.

Райондаги 1-МТСда ҳам кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик юзасидан олиб борилаётган ишлар кундан-кунга кучайтирилмоқда. МТСнинг И. Морозов, В. Лисенко, А. Ҳамзаев ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг механизаторлари биринчилар қаторида ремонт ишларини тугалладилар.

А. МУҲАМЕДОВ.

## Қаҳрамоннинг бригадасида

Барча колхозчилар қатори Оққўрғон районидаги Тельман номли колхоз аъзолари ҳам чигит экиш кампаниясига пухта тайёргарлик кўриб, зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар. Бу колхоз аъзолари ўтган йили 850 гектар майдоннинг ҳар гектаридан давлатга 31 центнердан пахта топшириб, меҳнат соҳасида катта ютуқларни қўлга киритган эдилар. Колхознинг пахта майдони бу йил 875 гектарга кенгайтирилди, ҳар гектар ердан 35 центнердан ҳосил топшириш мажбурияти олинди.

Колхоз аъзолари майолди умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, ариқ-зовурларни тозалаш, маҳаллий ўғит тўплаш, ерни текислаш ишларини зўр уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар. Колхоздаги барча транспорт воситалари маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага ташиб чиқаришга сафарбар қилинган. Бу ишда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Маман ота Қўлдошев бошлиқ бригада аъзолари олдинда бораётирлар. Бригаданинг барча экин майдонлари муддатидан илгари сифатли қилиб ҳайдаб қўйилган: гектар бошига 8-10 тоннадан ўғит тўпланиб, махсус ўраларга кўмиб қўйилди, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ҳам тугалланай деб қолди.

Маман ота бошлиқ бригада аъзолари бу йил 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун курашмоқдалар.

Н. СОБИРОВ.

## *Совхозларда экиш кампаниясига тайёргарлик суст бораётир*

Областимиздаги кўпгина совхозларда кўклам экин кампаниясига тайёргарлик ишлари: техникани ремонт қилиш ва дала ишларига тайёрлаш, чигит экиладиган майдонларни схемаларга мувофиқ ажратиш, квадрат-уялаб чигит экадиган кадрларни тайёрлаш ишлари ғоят қониқарсиз бормоқда. Бунга «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ҳамда 2- «Далварзин» совхозларидаги ишлар мисол бўла олади.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида 25 ҳайдов ва 121 чопиқ тракторлари ремонт қилиниши керак эди. Ҳозиргача фақат 20 ҳайдов ва 96 чопиқ трактори расмийгина ремонтдан чиқарилди. Ремонт қилинган тракторлар текширилганда уларда жуда кўп нуқсонлар топилди. Табиий, бу нуқсонлар дала ишларини олиб боришда жиддий қийинчиликларга сабаб бўлади. Совхознинг 6- бўлимида 14 «универсал» тайёрланган. Лекин текширишда булардан фақат 4 таси ишга яроқли бўлиб, қолган 10 тасининг ҳар бирида 4-6 дан нуқсон топилди. Шу бўлимда «ремонтдан чиққан» 8 та сеялканинг фақат 2 таси дуруст ишлаши, қолганлари эса айни иш вақтида тўхтаб қолиши, тўғриси, ишга қаттиқ зарба бериши мумкин. Бундай аҳволни совхознинг 3-бўлимида ҳам кўрамиз.

Совхозда дала ишлари ҳам бутунлай қониқарсиз бормоқда. Тўғри, 3698 гектар майдоннинг қанчасига қандай схемада чигит экилиши аниқланган. Лекин бу майдонларни режалаш, бурчакларни аниқлаб, қозиқлар қоқиш ишлари жуда секин бормоқда.

Суғориш шохобчаларини тозалаш ишлари ҳам уюшқоқлик билан ўтказилмаётир. Иккинчи мартгача бу ишлар плани фақат 55 процент бажарилган. Ишни анча тезлаштириш ва барвақт тугаллаш мумкин. Бироқ совхоз раҳбарлари зарур ишчи кучларидан тўғри фойдаланмаётирлар. Масалан, совхозда 1600 ишчи бўлгани ҳолда, суғориш шохобчаларини тозалашга ҳар куни 450 кишини жалб қилиш планлаштирилган. Кейинги кунларда бўлса ишчилар сони 800 га етказилди. Аммо пландаги ишни бажариш учун бу ҳам камлик қилади.

Совхоз раҳбарлари маҳаллий ўғит тайёрлаш ва уни далага чиқариш соҳасида ҳам ғоят юзакичиликка йўл қўйганлар. Катта имкониятлар бўлишига қарамасдан, фақат 2110 тонна маҳаллий ўғит тайёрлаш кўзда тутилган. Ҳолбуки, совхозда камида 7 минг тонна маҳаллий ўғит тайёрлаш мумкин. 1 мартгача далага 4 минг тоннадан кўпроқ гўнг чиқарилиши бунга яққол мисол бўла олади. Шундай қилиб, совхоз раҳбарлари пахта ҳосилини оширишда жиддий роль ўйнаши мумкин бўлган муҳим ички резервлардан фойдаланишга панжа орасидан қараб келмоқдалар. Шунинг учун ҳам совхознинг 1, 2 ва 6- бўлимларида маҳаллий ўғит тайёрлашга бутунлай масъулиятсизлик билан қаралялти. Биронта бригадада гўнгхона йўқ.

Экиш агрегатлари экипажларини тайёрлаш ишларига ҳам жиддий эътибор берилмаётир. Агрегат составининг рўйхати тузилган бўлса ҳам, улар билан машғулотлар жуда қониқарсиз ўтказилмоқда. 390 киши ўрнига фақат 280 киши ўқитиляпти. Айрим бўлимларда аҳвол бундан ҳам ёмон. Масалан, 4 бўлимда ўтказилган 10 машғулотга 29 киши ўрнига 12-18 киши қатнашган. Тракторчилардан Арон, Расулев ва бошқалар фақат 1-2 машғулотга қатнашганлар. Бундай аҳволни совхознинг 3- бўлимида ҳам кўрамиз. Совхознинг 6- бўлимида трактор ва далачилик бригадалари бошлиқларини ўқитиш ишларига ҳалигача киришилмаган.

2- «Далварзин» совхозида ҳам ана шундай ёмон аҳволни кўрамиз. Масалан, совхознинг бош агрономи Венгерский ва бош инженери Дворкин ўртоқлар имзо чеккан сводкага қараганда, ремонтдан чиққан 45 тракторнинг фақат 10 таси комиссия томонидан қабул қилиниб, 35 таси жуда кўп жиддий камчиликлари бўлгани учун брак қилинган. Ана шу сводкада, 33 сеялка ҳам ремонтдан чиққан, деб ҳисобланади. Бироқ уларнинг ҳам кўпчилиги ишга ярамайди. Шу сеялкалардан 8 таси 3- бўлимда бўлиб, ҳали уларнинг ремонти тугалланмаган. 4- бўлимда эса 7 сеялканинг 5 таси мутлақо ишга яроқсиз деб топилди.

Совхозда тракторларни чигит экиш схемаларига мувофиқ қайта ускуналаш ҳам жуда секинлик билан бормоқда. Масалан, 6- бўлимда ғилдирак оралари 1,8 метр қилиниши лозим бўлган 12 тракторнинг фақат 2 таси тайёрланган.

Совхозда ариқ-зовурларни тозалаш ишлари секин бормоқда. Бу ишларга графикда белгиланган 350 киши ўрнига ўрта ҳисобда 395 киши қатнашаётир.

Тўғри, ер ҳайдаш ишлари бир мунча тез бораётир. Бироқ ҳайдаш сифати жуда паст. Ҳозиргача 4 минг гектарча ер ҳайдалган бўлса, шулардан фақат 1800 гектарига минерал ўғит солинган. Бошқа ерларга на минерал ва на маҳаллий ўғит солинган.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» ва 2- «Далварзин» совхозларидаги ҳозирги аҳвол шуни кўрсатадики, областимизнинг кўпчилик пахтачилик совхозларида экиш кампаниясига тайёргарлик ғоят қониқарсиз бормоқда. Чигит экишни ўз вақтида муваффақиятли ўтказиш ва уни бехато ундириб олиш учун Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги, шунингдек район партия ва совет ташкилотлари совхозлардаги ишнинг бориши билан жиддий қизиқишлари ва ҳозирги пайтда рўй бераётган камчиликларни тузатиш учун шошилинч чора кўришлари керак.

К. КИРИЛЮК.

## Ҳардамхаёлликка қатъий барҳам берилсин

Бекобод районидаги «1-Далварзин» совхозида 3 йилдан бери пахта тайёрлаш плани бажарилмайди. 3 йилдан бери совхоз раҳбарлари ўзларининг ваъдалари устидан чиқмаяпти. Ҳатто пахтачилик учун энг қулай келган 1956 йилда ҳам бу совхозда план бажарилмай қолди. Давлатга пландагидан 1200 тонна кам пахта топширилди. Совхоздаги ўртоқлар ҳар йили, келгуси йилда ишни қойил қилиб ташлаймиз, планни ошириб бажарамиз, деб тантанали ваъда берадилар-у, пировардида ишни бўшаштириб юборадилар, ваъдаларига яраша ишламайдилар.

Ўтган йилги иш якунланган вақтда ҳам яна шу ҳол такрорланди. Уларнинг, 1957 йилда ишни қойил қиламиз, кўклам экин кампаниясига намунали тайёрланамиз, олдин йўл қўйилган хатони тузатамиз, деган гаплари жаранглаб эшитилди. Лекин амалий ишга келганда аҳвол яна ўзгармади.

Совхозда бу йил 3952 гектар ерга чигит экилиши, ўтган йилга нисбатан ҳар гектар ер ҳосили 2,5 центнерданга оширилиши ва ҳосил 26 центнерга етказилиши лозим. Бунинг учун дастлаб кўклам экиш кампаниясига ҳар йилгидан кўра пухта тайёрлик кўриш, ҳамма зарур тадбирларни амалга ошириш лозим эди. Афсуски, совхоз раҳбарлари ишни шу хилда уюштирмадилар.

Совхозда кўклам экиш кампаниясини муваффақиятли ўтказиш учун зарур бўлган трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда асбобларининг ремонти ҳамон тамом бўлмаган. 96 «универсал»дан анчагинаси ҳануз ремонтдан чиқарилмаган. Ўнлаб сеялка, культиватор, борона, ҳайдов тракторлари, кўпгина тирков асбоблари ремонт қилинмаган. Айниқса, совхознинг ўртоқ Қулаҳмедов бошлиқ 4-бўлимида трактор ремонти ёмон уюштирилган. Бўлимдаги механизаторлар ўртасида меҳнат интизоми жуда бўшашиб кетган. Улар ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилмаган. Механизаторларга қулай иш ва маиший шароит яратиб берилмаган. Шунинг учун бу ерда кундалик топшириқ бажарилмайди.

Совхознинг 1-бўлимида ҳам аҳвол айнан шундай деса бўлади. Шунинг учун бу бўлимда 26 «универсал» ремонтдан чиқарилмаган.

Совхозда квадрат-уялаб чигит экишга тайёрлик ишлари жуда суст олиб борилаётир. Ҳалигача қадар қанча агрегат бўлиши, унда қанча киши ишлаши тўла аниқлаб чиқилмаган, квадрат-уялаб чигит экувчи агрегатларда ишловчилар учун амалий машғулот бошланмаган.

«1-Далварзин» совхозида бу йил 186 минг кубометр ҳажмда ариқ-зовур тозаланиши лозим. Аммо шу кунгача бу ишнинг ақалли ярми ҳам бажарилмаган. Совхозда вақтинча директорлик вазифасини олиб бораётган бош агроном ўртоқ Зокиров, ирригация ишларига 800 кишини сафарбар қиламиз, деб район ташкилотларини ишонтирган эди. Аммо ўртоқ Зокиров ҳамон ўз ваъдасини бажармай келаётир. Бу муҳим тадбирга белгиланган сонда ишчи кучлари сафарбар этилмади. Бунинг устига, ҳозир ишлаб турган кишиларнинг меҳнат унуми жуда паст. Совхознинг иккинчи бўлимида ирригация ишлари бўйича берилган топшириқ энди 20 процентча бажарилган. Бўлим бошлиғи ўртоқ Ҳабибуллин ўз вазифасига, айниқса, масъулиятсизлик билан қарамоқда. 1-бўлимда ҳам аҳвол яхши эмас. Ирригация ишларида 200 киши ўрнига бор-йўғи 80-85 киши ишламоқда.

Ишчилар ўртасида оммавий-сиёсий ишлар уларни дала ишларини қизитиб юборишга чинакам сафарбар эта оладиган даражада ташкил этилмаган. Совхоз партия ташкилотининг секретари ўртоқ Қодиров эса бу ишлар савиясини кўтариш учун ҳаракат қилмаётир.

Далага маҳаллий ўғит чиқариш, квадрат-уялаб чигит экиладиган ерларни ажратиш ва режалаш каби бир қатор тадбирлар ҳам ўзибўларчилик билан давом этмоқда.

«1-Далварзин» совхозида кўклам экиш кампаниясига тайёрлик ишлари шу зайлда, тўғриси, ҳардамхаёллик билан олиб борилмоқда. Шу кунлардаги ишларни қизитиб юбориш учун совхоздаги мавжуд катта имкониятлардан тўла фойдаланилмаяпти.

Совхозда ишнинг шу хилда бўшашиб кетишига Ўзбекистон ССР Совхозлар министрлиги ҳам айбдор. Масалан, бу совхоз директорини тез-тез ўзгартириб туриш одат тусига кириб қолган. Совхознинг собиқ директори ўртоқ Хомич ишдан олиб ташланди. Лекин ўрнига ҳалигача директор тайинланмади. Ишлаб чиқаришнинг бевосита раҳбари бўлган бош агроном ҳозир маъмурий-хўжалик ишлари билан банд бўлиб қолган. Бу аҳвол совхозда кўклам экиш кампаниясига тайёрлик ишларини қизитиб юборишга салбий таъсир қилмоқда.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

## СУТ СОҒИШНИ КЕСКИН КЎПАЙТИРАЙЛИК

### Область колхозларида 1957 йил февраль ойида қўлда боқилаётган ҳар бир сигирдан соғиб олинган сутнинг миқдори тўғрисида

### МАЪЛУМОТ

(килограмм ҳисобида)

| районлар | Соғилган сут | районлар | Соғилган сут |
|---|---|---|---|
| Калинин | 208 | Паркент | 77 |
| Қорасув | 181 | Қуйи Чирчиқ | 76 |
| Оржоникидзе | 173 | Гулистон | 68 |
| Тошкент қишлоқ | 135 | Бўстонлиқ | 67 |
| Янгийўл | 113 | Верхне-волинск | 66 |
| Сирдарё | 112 | Оққўрғон | 59 |
| Чиноз | 93 | Бўка | 57 |
| Мирзачўл | 92 | Ховос | 47 |
| Юқори Чирчиқ | 89 | Бекобод | 43 |
| Ўрта Чирчиқ | 86 | Боёвут | 37 |
| Октябрь | 79 | Пискент | 32 |
| Ўртасарой | 79 | | |

Қўлда боқилаётган сигирлардан шу йилнинг февраль ойида соғиб олинган сут миқдори тўғрисидаги маълумотларга қараганда, январь ойига нисбатан февраль ойида бир қадар силжиш бўлганлиги кўринади. Сирдарё, Паркент ва Верхне-волинск районларида ҳар бир сигирдан соғиб олинаётган сут миқдори февраль ойида 26-30 килограммдан кўпайган. Бу районларда ҳар бир сигирнинг кунлик сутига бир килограмм ва ҳатто ундан ҳам ортиқ сут қўшилган.

Бироқ, умуман олганда сигирлардан соғилаётган сут миқдори ҳозирги талабга мутлақо жавоб бермайди. Масалан, 6 районда февраль ойида 112-208 килограммдан сут соғиб олинган бўлса, қолган 17 районда 32-93 килограммдан сут соғилган. Агар Калинин районида ҳар бир сигирдан кунига 7,5, Қорасув ва Оржоникидзе районларида 6,5 килограммдан сут олинган бўлса, Пискент районида 1,15, Боёвут районида 1,3 ва Бекобод районида 1,5 килограммдан сут соғилган. Бу ҳол, Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республикада сут ва гўшт етиштиришни кўпайтириш тўғрисида»ги қарорида «Сут етиштириш Тошкент областида етарли равишда кўпайтирилмаётир» деб жуда тўғри таъкидланганини кўрсатади.

Кўпчилик районларда сигирлардан кам сут олинаётганлигининг сабаби шуки, бу район колхозларида сигирларни боқиш ва асраш яхши ташкил этилмаган.

Колхозларимиз октябрь-апрель ойлари даврида ҳар бир сигирдан йиллик миқдордаги сутнинг камида 45 процентини соғиб олишлари керак.

Барча имкониятлардан тўла ва унумли фойдаланиб март ойида сигирлардан кўп сут соғиб олиш учун астойдил курашайлик.

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ТЎРТИНЧИ ЧАҚИРИҚ ОЛИЙ СОВЕТИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессияси 1957 йил 14 мартда эрталаб соат 10 да Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида очилади.

* * *

Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг тўртинчи сессиясига келган депутатлар шу йил 12 ва 13 мартда эрталаб соат 10 дан, кечқурун соат 9 гача Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми биносида, 14 мартда эса эрталаб соат 8 дан Ўзбекистон ССР Олий Совети мажлислар залида рўйхатга олинади.

